

Мавзу: Маънавиятда миллийлик ва умуминсонийлик

Режа:

1. Миллий маънавият ва унинг хусусиятлари
2. Умуминсоний маънавият ва унинг заминлари
3. Бозор муносабатлари шароитида миллатлараро маданий - маънавий муносабатларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви

Миллий маънавият «Миллат» тушунчаси билан боғлиқ..
“Миллат” сўзи “ўзак”, “туб моҳият”, “негиз” деган маънони билдиради.

“Миллат” сўзи араб тилида қуйидаги уч маънони англатади: биринчи –дин, мазҳаб; иккинчи –уммат; учинчи-халқ, қавм. Миллат сўзи Қуръони каримда ҳам қўлланилган. Қуръони каримда ҳар бир миллат вакили ўз миллий қадриятларини ривожлантириши савобли иш, ўз миллати, қавмининг эътиқодидан кечиб, бошқа миллат эътиқодига ўтиб олиши эса гуноҳ деб таърифланган. Европа адабиётида қўлланиладиган “нация” сўзи эса қабила, халқ деган маънони билдиради.

Бу икки тушунча асосида ҳам асосан муайян этник бирликларининг ўзига хослигини билдирувчи маъно ётади. Жамият ривожланиб борган сари инсонлар, халқлар, миллатлар ўртасидаги маънавий-маданий, иқтисодий, сиёсий муносабат ва алоқалар ривожланиб бораверади.

Маънавиятни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчиси- миллий маънавият

иккинчиси- минтақавий маънавият

учинчиси – умуминсоний маънавият.

Миллий маънавият – муайян элат, миллатга, унинг аجدодларига хос бўлган руҳий бойлиги, унинг урф-одатлари, анъаналарини мужассамлаштирган ғоят қимматли маънавий бойликлардир.

Минтақавий (регионал) маънавият – муайян жуғрофий минтақа миллатларига хос, улар учун умумий бўлган маънавий бойликлардир. Масалан, Марказий Осиё халқларининг ёки славян халқларининг маънавиятидаги, ёки янада кенгроқ доирада оладиган бўлсак, Шарқ ва Ғарб маънавиятидаги муштараклик, ўхшашликни олишимиз мумкин. Минтақавий маънавиятда турли элатларнинг умумий бирлиги, бир-бирига яқинлиги, турмуш тарзи ва моддий ҳаёт шароитларига хос муштарак жиҳатлар намоён бўлади.

Умуминсоний маънавият – бутун инсониятга, жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий-ахлоқий бойликлардир.

Миллий маънавият тор ва кенг маъноларда ишлатиладиган тушунчадир. Тор маънода миллий маънавият - муайян бир элатнинг, миллатнинг умумий руҳияти, маънавий мероси, қизиқишлари, манфаатлари, урф-одатлари, анъана ва маросимларини мужассамлаштирган маънавий муносабатлар йиғиндиси ва мазмунини ифодалайди. Кенг маънода эса, муайян бир мамлакатда яшовчи барча элат ва миллат вакиллари учун хос умумий руҳият, уларнинг маънавий мерослари, қизиқишлари, манфаатлари ҳамда уларнинг урф-одатлари, анъаналари ва маросимларини мужассамлаштирган, улар томонидан эъзозланадиган маънавий муносабатлар йиғиндисини билдиради.

Миллий маънавият — бошқа миллат маънавиятидан тубдан фарқ қилинадиган маънавият дегани эмас. Чунки биздаги миллий маънавият кўринишлари бошқа халқларда муайян тарзда мавжуддир. Аммо миллий маънавиятда бошқа халқларнинг маънавияти айнан такрорланмайди. Шундай бўлганда эди миллий маънавият бўлмас эди. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан ҳоли ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада мазкур халқнинг бошқа халқ ва миллатларда айнан такрорланмайдиган маънавий мероси, маданий бойликлари, кўхна тарихий ёдгорликлари энг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Миллий маънавият, аввало тарихий ходиса эканлиги билан ажралиб туради. У бир кунда, бир йилда, балки бир асрда ҳам мукаммал шаклланмайди. Миллий маънавият тарихи миллатнинг маънавий такомил жараёни билан боғлиқ. Унинг шаклланиши ва қарор топишида баъзан асрлар кунларга ва аксинча, кунлар асрларга тенг бўлиши мумкин. Миллий маънавий камолот замонда, яъни миллатнинг бутун тарихи давомида юз беради. Бунда эса у баъзан шиддат билан юксалиб борса, баъзан эса маълум даражада таназзулга юз тутиши мумкин. Инсоният тарихий жараёни учун бир нарса аёнки, тарих ходисалари, шахслар, воқеалар ўтиб кетади, моддий маданият унсурлари емирилади, аммо маънавият юксалиб, бойиб, тобора кенгроқ кўлам ва теранроқ мазмун касб этиб бораверади. Миллатнинг аксарият қисми маънавий таназзулга юз тутган фожеавий шароитларда ҳам миллий маънавит йўқолмайди, кўлами ва мазмуни жиҳатдан ўзи етишган камолот босқичини йўқотмайди. Миллий маънавият эришган камолот босқичини йўқотиш учун (шу жумладан, умуман миллий маънавитни ҳам) аждодлар яратган маънавий меросни мавх этиш, инсонлар хотирасини тамомила ўчириб ташлаш, улардан ҳатто ирсий хотирани ҳам барбод қилиб, манқуртга айлантириш керак бўлади. Бундай ҳолдан Сизу Бизни Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Миллат мавжуд экан, миллий маънавият бўлади. Миллий маънавиятни йўқотиш мумкин эмас. Миллий маънавиятни йўқотиш учун қанчалик ҳаракат қилинса, шунчалик миллийликни, миллий маънавиятни сақлаш учун кураш кучаяди. Хулоса шуки, инсон қалбидаги миллийликни йўқотиш мумкин эмас.

Миллий маънавиятнинг асосий белги ва ўзаги – миллий ахлоқ саналади. Бизнинг миллий ахлоқимиздаги белгилар бошқа халқлар ахлоқий қарашларида муайян тарзда намоён бўлади.

Миллий маънавиятда-миллий ҳис, туйғу, руҳият ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунончи, замона тақозоси билан бошқа юртга сафарга боргудек бўлсак (мустақиллик бизга бунга кенг йўл очиб берди) ва ўша ерда миллий куй, қўшиқни эшитгудек бўлсак, бизнинг вужудимизни ажиб бир ҳис, туйғу қамраб олади ва ундан руҳий ҳузур оламиз, қаноат ҳосил этамиз. Яъни маънавий озукланамиз.

Миллий маънавиятда – миллий манфаат ҳам муҳим роль ўйнайди. Собиқ шўролар даврида миллий манфаат юзасидан ҳаракат қилган кишиларни, раҳбарлар ва ёзувчиларни “миллатчи” деб бадном этганлар.

Ўзбек халқи учун умуминсоний маънавият билан бирга миллий маънавият ва унинг бойликлари ғоят қимматлидир. Буларга ўзбек халқининг ўзи яратган, бойитган, сақлаб келаётган, авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб, сайқал топиб, ривожланиб бораётган миллий-маънавий бойликлар, аجدодлардан қолган ахлоқий анъана, маросимлар, ахлоқий панд-насихатлар ва ҳоказолар киради.

Ҳозирги кунда ёшларимизни маънавий баркамол, комил инсон қилиб тарбиялашда юқорида таъкидланган икки муҳим жиҳатни ҳисобга олган ҳолда уларни ўзаро уйғун ҳолда қўшиб олиб бориш лозим.

Биринчиси халқимизнинг бой маънавий меросини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, ўтмишдаги истибдод даврида унитилишга маҳкум этилган маънавий меросимизни тиклашимиз, замонамизга мувофиқлардан, бизга фойда берадиганларидан оқилона фойдаланишимиз керак.

Иккинчиси эса, бошқа халқлар томонидан яратилган маънавий бойликлар ва уларнинг ютуқларидан миллий хусусиятларимиз ва руҳиятимизга мувофиқ келадиганларини ижодий ўзлаштиришимиз лозим. Мазкур икки хусусиятнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, пайванд қилиш натижасида ёшларимизни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб камолга етказишнинг замини яратилади.

Умуминсоний маънавият ва унинг заминлари

Умуминсоний маънавият - бутун инсониятга, жаҳон халқларига тегишли бўлган, уларнинг маънавий юксалишига ижобий таъсир этадиган маънавий бойликлардир.

Умуминсоний маънавият миллий маънавиятдан мазмун жиҳатдан чуқур ва кенг бўлиб, миллий маънавиятни ҳам ўз ичига олади. Демак, умуминсоний маънавият курраи заминимиздаги барча элатлар, этник гуруҳлар ва миллатларнинг руҳияти, мақсад ва интилишлари, манфаатларининг яхлитлиги ва умумийлигини ифодаладиган маънавий бойликлар мажмуидир. Умуминсоний маънавият бойликлари ўзининг кўп минг йиллик тарихий тараққиёт босқичига эга бўлиб, улар ҳаётда синалган, миллат ва жамият тараққиётида аҳамиятли ижтимоий ҳодисадир. Умуминсоний маънавият узоқ ва яқин ўтмишда яратилган ҳозирда эса маънавий жиҳатдан жуда қимматли, инсон қалбида ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, инсоният ижтимоий манфаати, эҳтиёжи учун хизмат қиладиган, уларни эзгуликка ва тараққиётга йўллайдиган маънавий бойликлардир. Умуминсоний маънавий бойликларга эса илм-фан, жумладан фалсафий тафаккур ютуқлари, адабиёт ва санъат асарлари, кашфиёт ва ихтиролар, моддий - маънавий маданият дурдоналари, хурфигрлик, умуминсоний ахлоқий тамойил ва меъёрлар ва бошқалар киради.

Умуминсоний маънавият деб, кишиларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасаввурлари, тафаккурлари, келажак орзу-истаклари, эътиқодларини, ахлоқ қоидалари ва руҳиятини ўзида мужассам этган, ҳаётда сайқал топган, уларнинг маънавий камолотига ижобий таъсир этадиган маънавият бойликларига айтишимиз мумкин.

Миллий ва умуминсоний маънавият қотиб қолган, ҳеч қачон ўзгармайдиган нарса эмас. Аксинча, жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар таъсирида миллий ва умуминсоний маънавият ҳам доимо ривожланиб, ўзгариб, янгиланиб, бойиб боради.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, жаҳондаги бирор халқ ўз маънавий, миллий бойликлари доирасидагина ривожлана олмайди. Бундай йўл миллатни камолотга эмас, балки таназзулга олиб келиши ўз-ўзидан аён. Ўз миллий қобиғи ичида ўралашиб қолган миллатнинг маънавияти ва маданияти ҳеч қачон камол топа олмайди. Миллий худбинлик йўлида бориш ҳеч бир миллатга наф келтирган эмас.

Бозор муносабатлари шароитида миллатлараро маданий-маънавий муносабатларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви

Бозор муносабатларига ўтиш даврида кўп миллатли давлатлар учун миллий сиёсатни тўғри, аниқ кўзланган мақсад асосида олиб бориш жуда муҳимдир. Бу эса тараққиётнинг жадаллашувига ёрдам беради. Миллатларнинг ва улар маданиятларининг бири-бирига таъсир кўрсатиши кўп миллатли давлатларда яшаётган халқларнинг маънавий-ахлоқий бойиши учун яхши манба бўлиб хизмат қилиб келган. Ўзларининг тарихий ватанларидан ташқарида яшовчи миллатлар учун ҳамма жойда, ҳамма вақт миллий эҳтиёжларни қондира олишлари учун зарур шароит яратилишини тақозо этади. Бу талаб биринчи галда миллий ҳудудий тузилмалари бўлмаган халқларда алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг мақсадимиз юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъий назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланадиган турмуш даражаси ва эркинликларини таъминлаш. Ана шу мақсад юртимизда собитқадамлик билан амалга ошириб келинмоқда. Чунки мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ўз она тилларида ўқиши, таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилди. Улар керакли миқдорда ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминланмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг фарзандлари мамлакатимиз ўқув юртларида ўзлари ҳохлаган тилда эркин таълим олмоқдалар. Хусусан мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида ва мактабларида улар 8 тилда таълим олмоқдалар. Кўплаб бошқа миллий тилларда газета ва журналлар чоп этилмоқда. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилмоқда.

Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йилигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидлаганидек бу борада олдимиздаги турган энг муҳим вазифа: “....юртимизда турли миллат ва диний кофессиялар вакиллари ўртасида тотувликни, фуқаролараро аҳилликни кўз қорачиғидай асраш... жамиятимизда меҳр-оқибат, саҳоват ва бағрикенглик муҳитини янада кучайтириш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши даркор”.

Мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилигини ташкил этувчи ўзбек халқи билан бирга юртимиз равнақи учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган ўзга миллат ва элатларнинг ҳам моддий, тарихий, маънавий қадриятларини оқилона ва ҳолисона ўрганиш, ривожлантириш, улардан ижодий фойдаланиш жамиятимиз маънавий юксалишининг муҳим омилидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида миллатлараро маданий-маънавий муносабатларнинг тобора ривожланиб бориши республикада ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.



**Этиборингиз учун
рахмат**